Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ЎРҚ-1145-сон Экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши муносабати билан «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида

Мазкур Қонун билан «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига экологик тоза ҳудудларни ташкил этиш механизмини хамда экологик тоза ҳудудлар режимини белгиловчи қўшимча киритилмоқда.

Кучга кириш санаси

15.08.2026

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасининг қонуни Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида	
	41^2-модда. Экологик тоза ҳудудлар **Курорт табиий ҳудудларда ва рекреация зоналарида жойлашган, атроф табиий муҳитга бўладиган таъсири йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрлардан ошмайдиган, энергия самарадорлиги юқори инфратузилмалар билан жиҳозланган, чиқиндиларни самарали бошқариш тизими йўлга қўйилган, юқори рекреация ва экотуризм салоҳиятига ҳамда бой биологик хилма-хилликка эга бўлган ҳудудлар экологик тоза ҳудудлар ҳисобланади.** **Курорт табиий ҳудудлардаги экологик тоза ҳудудлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан**

	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан ташкил этилади. **Рекреация зоналаридаги экологик тоза ҳудудлар Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан ташкил этилади.** **Курорт табиий ҳудудларда ва рекреация зоналарида экологик тоза ҳудудлар ташкил этилиши уларнинг амалдаги ҳуқуқий мақомини ўзгартирмайди.**
	41^2-модда. Экологик тоза ҳудудлар режими **Экологик тоза ҳудудларда курорт табиий ҳудудлар ва рекреация зоналари режимида белгиланган чекловлар ҳамда тақиқлар билан бир қаторда куйидагилар тақиқланади:** **экологик тизимларнинг барқарорлиги бузилишига ва табиий ландшафтларнинг кўриниши ҳамда ер ости сувларининг гидрогеологик ҳолати ўзгартирилишига олиб келадиган ишларни амалга ошириш;** **табиий объектларга ва мажмуаларга салбий таъсир қилувчи саноат объектларининг қурилиши ва фаолият кўрсатиши;** **рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган пластик**

	маҳсулотларнинг (бундан табиий органик полимер маҳсулотлар мустасно) ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши (етказиб берилиши ва сотилиши). **Экологик тоза ҳудудлардаги фаолияти натижасида оқова сув ҳосил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш объектлари ҳамда автомобиль ювиш шохобчалари оқова сувларни тозалаш иншоотлари билан жиҳозланиши, тегишли равишда тозаланган оқова сувларни оқизиб юбориш учун оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига уланиши ёки уларда оқова сувларни тўплаш учун муқобил иншоотлар қурилиши, айланма сув таъминоти жорий этилиши ва улардан самарали фойдаланилиши шарт.** **Экологик тоза ҳудудларда давлат экологик экспертизасининг хулосаси асосида аниқланган муҳофаза этиладиган табиий объектлар ва мажмуаларга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа фаолият турлари тақиқланади».**